



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Ёшлар билан ишлаш  
Президентдан  
тортиб вазиргача,  
ҳоқимдан тортиб  
маҳалла раисигача –  
хаммамизнинг  
энг асосий ишимизга  
айланиши зарур.  
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.com



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни  
телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 26-dekabr, shanba, 152-153 (23.432-23.433)-sonlar

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ФОРУМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Қадри ёшлар!  
Сизлар билан бугун мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган Ўзбекистон ёшлари форумида учрашиб турганимдан гоё хурсандман.

Ушбу мухташам залда тўпланган, шунингдек, шаҳар ва туманлардаги студияларда ўтирган фаол ва ташаббускор ўғил-қизларимизни, бутун мамлакатимиз ёшларини бугунги анжуман билан чин қалбимдан самимий табриклимаман.

Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан қуч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилди. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни **Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси** сифатида юксак қадрайман.

Биз юртимизда қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг қуч-ғайратингиз ва азму шижоатингизга суянамиз.

Барчангиз яхши биласиз, биз бугун ўз олдимизга улкан марраларни қўйганмиз. Она Ватанимизда **Учинчи Ренессанс** пойдеворини яратишга киришдик.

Биз **оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлгуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда туб ислохотларни изчил амалга оширмақда-миз.**

**Ишонананки, мамлакатимиз тараққиётининг янги** пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшади.

Барчангизга аёнки, бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда. Ҳар кун, янги-янги муаммо ва вазифалар пайдо бўлмоқда. Айниқса, яқунлики бораётган иллимиз инсоният учун жуда оғир ва синовли бўлди. Коронавирус пандемиясидан миллионлаб одамлар азият чеқди.

Шундай мураккаб даврда мард ва фидойи ёшларимизнинг олдинги сафларда турганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.

Эл бошига иш тушганда, ёшларимиз, керак бўлса, азиз жонларини гаровга қўйиб, халқимиз дардига дармон бўлдилар. Сизларнинг тенгдошларингиз уйма-уй юриб, карантин даврида қийналган оилаларга амалий ёрдам бердилар. Айниқса, **"Саховат ва қўмак"** умумхалқ ҳаракатида минглаб ўғил-қизларимиз кўнглини сифатида фаолият олиб борганини бугун алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Юрагидега эзгулик ва меҳр-оқибат туйғулари жўш урган ана шундай ёшларимизга, уларга таълим-тарбия берган ота-оналари ва устоз-мураббийларига бугун яна бир бор самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз фарзандларим!

Хабарингиз бор, яқинда ёшлар билан ишлаш бўйича Тошкент шаҳри намунаси яратилди. Ушбу тажриба доирасида пойтахтимизда ўтказилган **"Ёшлар ойлари"**да ўғил-қизларимизнинг муаммолари, тақлиф ва истаклари "маҳаллабай" ўрганилди. Уларнинг ечимлари бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилди.

Бу эзгу ташаббус мамлакатимиз бўйлаб кенг қанот ёзди. Шунингдек, барча шаҳар ва туманларда Ёшлар фестиваллари бўлиб ўтди. Кўпчилигингиз ушбу тадбирлар доирасида қатор вазирлар, ҳокимлар, банкирлар ва бошқа мутасаддилар билан очик мулоқот қилдингиз.

Мен ҳам мазкур жараёнларни телевидение орқали ҳар кун кузатиб бордим. Ёшларимизнинг долзарб масалаларни дадил кўтариб чиқиши, ташаббуслари ва шижоати менга жуда маъқул бўлди. Дунёқарши кенг, жонқуяр, илғор фикрли фарзандларимиз кўпчилигини қўриб, тўғриси, ниҳоятда қувондим.

Энди биз Тошкент шаҳри тажрибасини бутун мамлакат бўйлаб кенг жорий қиламиз. Бу борада Тошкент, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида аллақачон амалий ишлар бошлаб юборилган.

Ёшларга доир сиёсатимизни самарали амалга ошириш, уларнинг ижтимоий муаммоларини тизимли ўрганиш ва мувофиқлаштириш вазифаси мутасадди ташкилотларга юклатилди.

Бундан буён вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, вазирлар ва бошқа масъул раҳбарлар жойларда ёшлар билан учрашувларни доимий равишда ташкил этиб бордилар. Ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ёшлар муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш, ижросини таъминлайдилар. Шу масала бўйича ҳар 6 ойда маҳаллий кенгашларга ҳисобот бердилар ва келгуси ярим йиллик учун аниқ режаларни белгилаб оладилар.

Савдо-саноат палатаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда **"Ёшлар: 1+1"** дастури доирасида палатанинг ҳудудий ўқув марказларида уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этади.

Кунни кеча Савдо-саноат палатаси йиғилишида **"Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададор"** тамойили асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшларни

бириктириш юзасидан хайрли ташаббус эълон қилинди. Бу ташаббус кўплаб тадбиркорларимиз томонидан кизгин кўллаб-қувватланди.

Келгуси йилда камида 500 минг ёшга иш жойи яратиши мумкин бўлган ушбу ҳаракатни биз ҳам албатта маъқуллаймиз.

**"Ҳунарли киши хор бўлмас"**, дейди халқимиз. Аммо кейинги пайтларда фарзандларимизнинг уста ҳунармандлар қўлида касб-ҳунар ўрганишига етарли эътибор бермай қўйдик. Ваҳоланки, устоз кўрган ўғил-қизларимиз домласига муносиб бўлишга интилади, ҳаётда уларнинг кўмаги билан ўз ўрнини топади. Шу боис, ҳудудларда **"устоз-шоғирд"** аънасанасини янада кучайтирсак, ўйлайманки, нур устига аъло нур бўлади.

Бу эзгу ишга жалб этиладиган ҳунарманд усталарни Бандликка қўмаклашиш жамғармасидан моддий рағбатлантириш тизими жорий этилади. Бу муҳим вазифаларни жойларда амалга ошириш учун Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари шахсан масъул бўладилар.

Барчангизга яхши маълумки, айни пайтда юртимизда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини тезкор ривожлантириш бўйича етарли тажриба тўпланди. Энди, орттирган тажрибамиз асосида республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида **"Ёшлар кичик саноат зоналари"** ташкил этилади. Ушбу саноат зоналарида ёшлар лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш учун зарур бўладиган барча инфратузилма объектлари жойлаштирилади.

Тижорат банкларининг ҳудудларда фаолият бошлаган **"Лойиҳалар фабрика"**лари ёшларимизнинг илғор гоёлари асосида лойиҳавий тақлиф ва бизнес режаларини тайёрлаб беради.

Ёшлар лойиҳаларини молиялаштириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилиб, ушбу жамғармага 100 миллион доллар маблағ ажратилди. Ушбу жамғарма ёшларнинг лойиҳаларига қулай шартларда ва паст фоизларда кредит беради.

Бундан ташқари, кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш бинолари қурилиб, ёшларга имтиёзли шартларда ижара ва лизинг асосида берилди.

Жойларда **"Ёшлар кичик саноат зоналари"**ни ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ҳафта муддатда тақлиф киритдилар. Ёшлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда солиқ ва бошқа имтиёزلарни бериш юзасидан қарор қабул қилинади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Ўрни келганда таъкидлаш кераки, ёшларимиз муаммоларини тизимли ҳал этиш борасида кўплаб камчиликлар ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Албатта, бугун ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги ўзгаришларда фаол иштирок этиб келаётган ғайратли ёшлар жуда кўп. Лекин, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, йўлдан адашган, қўмакка муҳтож ёшлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Шунинг учун, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан бирга, ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи **"Ёшлар мурожаати"** электрон платформасини яратиш керак бўлади.

Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровлар аксарият ёшларимизда ижобий мотивация, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида зарур билим ва маалақ етишмаслигини кўрсатди. Демак, уларга тадбиркорлик асосларини ўргатишга қаратилган ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим.

Шуни инобатга олиб, "Микрокредитбанк" касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиб, сертификат олган ёшларга имтиёзли фоизларда микрокредитлар ажратиш чораларини кўрсин. Бундай кредитлар 3 йил имтиёзли даври билан 7 йил муддатга берилди. Банк томонидан ушбу мақсадлар учун келгуси йилда 45 миллион долларлик микрокредитлар ажратилди.

Шунингдек, **Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури** орқали ҳар бир вилоятга ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 100 миллиард сўмдан кредит маблағлари йўналтирилди.

Ушбу дастурлар орқали ёшларнинг бизнес лойиҳалари самарали амалга оширилишига жойларда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари шахсан масъул бўладилар.

Бугун ўғил-қизларимизни қийнаётган жиддий муаммолардан бири – ўқишни тамомлаган ёшлар бандчилигини таъминлашдир. Кўплаб мактаб ва коллеж битирувчилари, баъзан олий маълумотли йигит-қизлар ҳам иш топишда қийинчиликка учрамоқдалар.

Маълумки, бу йилдан Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида 7-11 синф ўқувчиларига мактабда таълим бериш билан бирга, уларни касбга ўргатиш тизими жорий этилди.

2-саҳифа >>>

## Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси

25 декабрь куни пойтахтимиздаги "Huto Arena" саройида Ўзбекистон ёшлари форуми бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари 20 ноябрь куни Чилонзор туманига ташрифи чоғида Тошкент шаҳри ёшлари билан учрашиб, мамлакатимизда ёшларнинг тақлиф ва истакларига қўлоқ тутадиган, уларни бир даврада бирлаштирадиган форум ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Ана шу ташаббус асосида Тошкент шаҳрида бошланган форум тадбирлари янада кенг кўлам касб этиб, юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтди.

"Huto Arena" саройидаги тадбир Ўзбекистон ёшлари форумининг мантиқий якуни бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тарихида биринчи бор ўтказилаётган ушбу йирик форумда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари ёшлари форумига йиғилган йигит-қизлар билан очик мулоқот қилди. Барча долзарб ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, улар бўйича мутасаддиларга шу ернинг ўзида кўрсатмалар берди.

Ёшлар форумида ҳудудлардаги иштирокчилар ҳам ўз фикрларини, тақлиф ва мулоҳазаларини очик-ёш эъти.



– Мен сизларга бир сиримни айтаман: ҳудудларга борганда кўпроқ ёшлар билан учрашишга, улар билан гаплашишга ҳаракат қиламан. Чунки мен сизлардай кўзи ёнган, юраги ёнган ёшларни излайман. Сизлар шунга муносибсизлар, – деди Президент.

Форумда "Huto Arena" саройига келган 3 минг 300, шунингдек, ҳудудлардаги студияларда 26 минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

Форум иштирокчиларининг мамлакатимиз ёшларига муносабатини қабул қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БИРИНЧИ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИГА МУРОЖАТИ

Ҳурматли ёшлар, азиз тенгдошлар!

Мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа – юртимизда биринчи бор ташкил этилган Ўзбекистон ёшлари форуми гоё кўтаринки ва амалий руҳда бўлиб ўтди.

Айниқса, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг анжуманида сўзлаган сермазмун нутқи барчамизда кизгин таассурот қолдирди.

Давлатимиз раҳбари ёшларни Ватанимизнинг энг катта бойлиги ва бебаҳо хазинасига қийналаган, мард ва фидойи тенгдошларимизнинг синовли кунларда кўрсатган мардлиги ва жасоратини юксак эътироф этгани бизни ниҳоятда руҳлантирди.

Айни пайтда Юртбошимизнинг ёш авлодга улкан ишончи, эътибор ва ғамхўрлиги зиммамизга жуда катта масъулият юклатди.

Барчангиз гувоҳсиз, сўнги йилларда мамлакатимизда – янги Ўзбекистонда ёшларга муносабат бутунлай ўзгарди.

Ёшларга доир давлат сиёсати асосида ёш авлоднинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишлари, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган ислохотлар изчил ва самарали амалга оширилмоқда.

Бизнинг илғор билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, етук мутахассис, чинакам ватанпарвар инсонлар бўлиб камол топишимиз учун ҳамма шароитлар яратиб берилмоқда.

Кўплаб тенгдошларимиз парламентда, ҳукумат аъзолари сафида, давлат бошқаруви органларининг масъул лавозимларида,

замонавий корхоналарда, кичик бизнес ва тадбиркорлик, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва спорт соҳаларида – ҳаётимизнинг барча жаҳалларида жўшқин фаолият олиб бормоқда.

Бугун Ватанимизнинг келажакни белгилаб берадиган, янги Уйғониш даврининг асосини ташкил этадиган ҳал қилувчи соҳа – таълим-тарбия тизими жадал ривожланмоқда.

Ҳаётда синовдан ўтган миллий ва хорижий тажрибалар асосида янги-янги билим, санъат ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган ҳамда ижод мактабларида юзлаб истеъдодли ўғил-қизлар замонавий таълим-тарбия олмақда, маҳорат сирларини эгалламоқда.

Бугунги учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган муҳим фикрлар, хусусан, иқтидорли талабалар учун Президент гранти таъсис этилиши, республикамиздаги хорижий олий ўқув юрталарининг бакалаврият босқичи талабалари учун ҳам Президент ва давлат стипендияларининг жорий қилиниши, икки ва ундан ортик фарзандни шартнома асосида ўқитаётган оилаларга имтиёзли таълим кредити берилиши ва бошқа янгиликлар бизни жуда қувонтириб юборди.

Президентимиз ўз нутқида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар, жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш бўйича илгари сурган гоёлар айни бизнинг кўнглимиздаги иш бўлди.

4-саҳифа >>>

Пахтачи туманида кейинги йилларда кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, замонавий ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.



## Пахтачида

## Янги объектлар фойдаланишга топширилди

Янги йил байрами арафасида туманда яна бир қатор янги объектлар фойдаланишга топширилди.

Жумладан, энергия тежамкор технологиялар асосида суткасига 120 тонна бойитилган ун ишлаб чиқариш қувватига эга ун заводи очилди. Лойиҳа қиймати 20 миллиард сўм бўлган ушбу корхона Туркиянинг "Имас машина саноат" ширкати билан ҳамкорликда ташкил этилди ва 100 та янги иш ўрни яратилди.

Туман марказида янгидан қурилган кўп тармоқли марказий поликлиникада аҳолига замонавий тиббий хизматлар кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. 2 миллиард 517 миллион сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган муассаса 100 қатновга мўлжалланган. Бу ерда 8 нафар умумий амалиёт шифокори ва 26 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатади.

Шу пайтгача тумanning "Paxtachi"

газетаси эски бинода фаолият олиб борарди. Жорий йилда таҳрират учун барча қулайликларга эга шинамо бино қуриб берилди ва ушбу маскан ҳам тантанали равишда очилди.

Шунингдек, туман марказида иккита кўп қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилди. "Мадина савдо белгиси" хусусий корхонаси томонидан бунёд этилган 5 қаватли бу уйлар 114 хонадонга мўлжалланган. Бир ва икки хонали уйлар барча коммуникация тармоқларига уланган.

Объектлар очилишида вилоят ҳокими Э.Турдимов ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.



ЁШЛАРНИ НИМА ҚИЙНАЯПТИ?

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ Э.ТУРДИМОВНИНГ ВИЛОЯТДА 2020 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН АСОСИЙ ИШЛАР ВА 2021 ЙИЛДА ХУДУДНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ЮЗАСИДАН АҲОЛИГА МУРОЖААТИ ҲАҚИДА

Вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг вилоятда 2020 йилда амалга оширилган асосий ишлари ва 2021 йилда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари тўғрисида аҳолига мурожаатини тинглаб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг VI чақириқ XIX сессияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг вилоятда 2020 йилда амалга оширилган асосий ишлар ва 2021 йилда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари юзасидан аҳолига мурожаати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашларида шаҳар ва туманларни ҳудуд даражасидаги муаммоларни бартараф этиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижроси муҳокама қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш мақсадида ҳар бир йўналишдаги ишларни жадаллаштириш мақсадида:

вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ўроқов, Ходжаев, Шукуров, Абилов, Нуруллаев) вилоят инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси (Мардонов), Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси (Шакарбоев), вилоят сектор раҳбарлари ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда:

саноат тармоқларини узлуксиз хомашё ва замонавий инфратузилма билан таъминлаш, импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулот-

лар ишлаб чиқариш, хизматлар кўламини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш каби муҳим ишларни амалга ошириш орқали 2021 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 3,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажмини 9,1 фоизга, хизматлар ҳажмини 5,5 фоизга ҳамда қишлоқ хўжалигини 2,9 фоизга бажаришни таъминлаш чораларини кўриш;

рейтинг баҳолаш тизимида қолоқ, яъни "қизил" ҳудуд тоифасига киритилган Қўшработ, Пахтачи ва Пайариқ туманларини 2021 йил I ярим йил якуни билан "яшил" ҳудуд тоифасига олиб чиқиш чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ- 4742-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

зорий йил якунига қадар инвестиция дастурларидаги лойиҳалар бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кредитларни ўзлаштириш чораларини кўриш;

саноат, хизмат кўрсатиш, шу жумладан туризм соҳасида шаҳар ва туманлар дастурларидаги лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш бўйича

зарур чораларни кўриш;

2021-2023 йиллар давомида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастлабки шакллантирилган дастурга кўра, жами 19,9 триллион сўмлик 2002 та лойиҳалар ишга туширилгач, қўшимча 43 040 нафар иш ўринлари яратилишига эришиш чораларини кўриш;

вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров билан биргаликда:

коммуникация тармоқлари, йўллар ва ижтимоий-инфратузилма объектларини яхши ҳолатга келтириш мақсадида жами 8 387,8 километр узунликдаги, шундан 1 458 километр умумфойдаланишдаги ва 6929,8 километр ички хўжалиқлараро йўллар, 400 та трансформатор ва 250 мингта симёғочларни таъмирлаш чораларини кўриш;

2021 йилда қурилиши, мукамал таъмирланиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилган ижтимоий соҳа муассасаларида режадаги ишларни ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини ҳамда белгиланган тартибда фойдаланишга топширилишини қатъий назорат қилиш;

марказлашган манбалар ва ички имкониятлар ҳисобига ажратилган маблағлар ҳисобидан таъмирланиши белгиланган шаҳар ва туманлар ички кўчаларида йўл қуриш, мукамал таъмирлаш ишларини ўз муддатларида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

шаҳар ва туманлар имкониятлари ҳисобига шаҳар ва туманлар кўчалари бўйлаб мавжуд бўлган пиёдалар юриш йўлакларини таъмирлаш ҳамда янгидан ташкил этиб, қуришга алоҳида эътибор қаратиш ва 2021 йилда пиёдалар юриш йўлакларини таъмирлаш борасида манзилли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиққа киритиш;

вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Очилов, Умаров) билан биргаликда:

"Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"даги муаммоларни ҳал этиш учун тузилган шаҳар ва туманлар жамғармаларига маблағлар йўналтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раисига тақдим қилиш;

вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 2021 йилда битирувчиларнинг олий таълимга кириш кўрсаткичини ошириш бўйича вилоят халқ таълими бошқармаси (Усмонов) билан тегишли ишларни самарали ташкил этиш;

вилоят мактабгача таълим бошқармаси (Раҳмонов) билан биргаликда бугунги кунда мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлмаган маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил қилиш чораларини кўриш; вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (Жуманиёзов) билан биргаликда соғлиқни

сақлаш тизимини 2021 йилда ривожлантириш бўйича қўшимча 9 та тиббиёт муассасаси ташкил этишни ўз муддатида яқунлаш ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб боришни таъминлаш топширилсин.

4. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари:

мурожаатда қайд этилган долзарб масалаларни ҳал этиш ҳамда барча вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан доимий мониторинг ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш;

вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир давлат ва ҳудудий дастурлар ҳамда улар ижросининг бориши ҳақида ўз сайлов округлари фаоллигига мунтазам ахборот бериб бориш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари раислари зиммаларига юклансин.

Сессия раиси Р.ХОЛМУРОДОВ

2020 йил 19 декабрь № 134/19



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги "Yoshlar - kelajagimiz" жамғармаси 2021 йилнинг 1 январидан мустақил равишда фаолиятини давом эттиради.

2020 йилда "Yoshlar - kelajagimiz" Давлат дастури доирасида 88 нафар ёш тадбиркорга 24,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, 443 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда 169 ёш оила Самарқанд шаҳридаги Қорасув массивида бунёд этилган янги уйларга кўчиб кирди.

Дастур доираси 27 та "Ёшлар меҳнат гузари" қурилиб, фойдаланишга топширилди, натижада 202 та янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятда ҳар йили ёшлар иттифоқи тавсияси билан фаол ёш йигит-қизлардан 1 нафари олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинмоқда. Бу йил Маржона Самадова Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси бўлди.

2020 йилда вилоятдаги "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказида 158 нафар йигит-қиз замонавий бизнес лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-консалтинг, бухгалтерия ва рақамли иқтисодиёт бўйича билимларини оширди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТУГАТИЛДИМИ?

Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилгандан кейин бу савол кўпчиликни қизиқтирди. Лекин Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қайта ташкил этилиб, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида фаолиятини давом эттирмоқда. Тўғри, вазифалари қисқартирилди. Яъни, ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлар билан тизимли ишлаш, ёш оилаларнинг уй-жой билан таъминла-

нишига ёрдам бериш билан шуғулланади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва олий ўқув юртларида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган талаба-ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, энг фаол ёшларни олий таълим муассасасига тавсия этади. Шунингдек, адашиб жиноятга қўл урган ёшларни кафиликка олиб, уларнинг тўғри йўл топишига кўмаклашади. Иттифоқ қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

АДАШГАН ЁШЛАРГА ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТИЛДИ

Ёшларга суд томонидан жазо тайинлашда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кафолат хатига асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш бўйича 2017 йил 5 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ўртасида меморандум имзоланган.

- Ушбу ҳужжатга асосан

ўтган 3 йил давомида вилоятимизда 105 нафар ёш Кенгаш кафилигига олинди, - дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси Ғ.Ахтамов. - Бу ёшлар билан бир йиллик индивидуал дастур тузилиб, улар йил давомида қатъий назоратда бўлмақда. Бугунги кунгача тузилган индивидуал дастур бажарилганлиги сабабли кафиликка олинган ёшларнинг 99 нафари ҳисобдан чиқарилди.

"КОНТРАКТ ПУЛИ"НИНГ БИР ҚИСМИНИ ИТТИФОҚ ТЎЛАБ БЕРДИ

Шу пайтгача муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсиянома асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида фаол, ўртача ўзлаштириши 71 фоиз ва ундан юқори бўлган, ҳарбий хизматни ўтамаган бўлса-да тизимда фаол, ўзлаштириши баллари 86 фоиздан юқори бўлган талабаларга, шунингдек, имконияти чекланган, ногирон ёшлар учун тўлов-шартнома пулининг 35 фоизи ташкилот томонидан тўлаб берилди.

Аввал, яъни 2019-2020 ўқув йилида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 417 нафар йигитга йиллик тўлов-шартнома пули миқдорининг 35 фоизи иттифоқ томонидан тўлаб берилди. - Ҳарбий хизматни ўтаб, махсус тавсиянома билан қайтдим, - дейди Шехроз Шакарманов. - Самарқанд давлат университетида тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилиндим. Бир йиллик "контракт пули"нинг 35 фоизи иттифоқ томонидан тўлаб берилди.

Демак, ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш-ларига шaroит яратиш, ҳаётда ўз йўлларини топишлари учун ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида бир эмас икки ташкилот фаолият олиб бормоқда. Ёш йигит-қизларимиздан эса, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ўқиш, изланиш, ўз устида ишлаш, жамият ҳаётида фаол бўлиш талаб этилади.

ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ - ЯНАДА КЕНГ ИМКОНИЯТ

Ёшлар ишлари агентлиги ёшлар сиёсати соҳасида барча давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи ташкилотдир. Мазкур агентлик мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил 30 июнь кунини ташкил этилди. Мазкур давлат бошқарув органи ёшлар-

нинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишлардаги салоҳиятини ошириш учун шароит яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширади. Бугунги кунда ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири ишисиз ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашидан иборат.



ЭНДИ ИШИСИЗЛАР РЎЙХАТИ ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАЙДИ

Президент ташаббуси билан ёшлар орасида ишсизлик муаммасига ечим топиш учун янгича тизим жорий этилди. Хусусан, банд бўлмаган йигит-қизлар "Ёшлар дафтари"га киритилмоқда. Рўйхат қоғозда қолиб кетмаслиги учун зарур чоралар кўрилмоқда.

- Шу пайтга қадар ишчи гуруҳлар томонидан вилоятимиздаги 1097 маҳалладаги 492 минг 45 хонадонда хатлов ўтказилди, - дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиги Хусан Тўхтаев. - Натижада 640 минг 112 нафар ёш анкета тўлдирди. Шундан 520 мингга яқин ёшларнинг рўйхати электрон базага кириштириш мақсадида шакллантирилди. Иштихон тумани ва Каттақўрғон шаҳрида хатлов намунали тарзда ўтказилиб, тўлиқ якунига етказилди. Қолган туман ва шаҳарларда жараён давом этмоқда. Рўйхатга киритилган ҳар бир ёшнинг бандлиги таъминланиб, дастлабки 6 ойлик иш фаолияти қатъий назоратда бўлади. Хатлов жараёни бўйича ташкил этилган штаблар фаолияти ҳар ҳафта вилоят ҳокими раҳбарлигида танқидий муҳокама қилинмоқда.

САМАРҚАНДА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ КЛИНИКАСИ ЙЎҚ

Ҳуқуқий маслаҳат клиникаси фаолиятини юритиш Ёшлар ишлари агентлиги ва вилоят адлия бошқармаси томонидан амалга ошириладиган лойиҳадир. Бу ёшларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада оширишга қаратилган.

- Бугунги кунда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ёшлар учун ҳуқуқий маслаҳат клиникалари намуна тарзида ташкил этилган, - дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Ғофиржон Бобобеков. - Самарқандда бу клиника йўқ, аммо очил режалаштирилган.

МУАММОСИ ЙЎҚ ЁШЛАР НЕГА КАМ?

Яқинда сайтимиз орқали муштарийларимизга "Ёшларни нима қийнапти?" деган сўров билан мурожаат қилгандик. Сўровда (25 декабрь соат 17:00 ҳолатига) 3291 нафар фуқаро иштирок этиб, уларнинг 1335 нафари "Интернет тизимининг пастлиги ва тарифларнинг қимматлиги", 869 нафари "Таълим муассасаларидаги аудитория ва хоналарнинг совуқлиги", 500 нафари "Талабалар тураржойи масаласи", деган жавобларни белгиланган. Иштирокчиларнинг 331 нафари "Жамоат транспорти билан боғлиқ муаммолар", 256 нафари эса "Муаммо йўқ" деган жавобни танлаган.

- Переслано из Zarnews.uz
1. Таълим муассасаларидаги аудитория ва хоналарнинг совуқлиги.
2. Жамоат транспорти билан боғлиқ муаммолар.
3. Талабалар турар жойи масаласи.
4. Интернет тизимининг пастлиги ва тарифларнинг қимматлиги.
5. Муаммо йўқ.

Бундан кўриниб турибдики, сўров иштирокчиларининг кўпчилигини, яъни 41 фоизини интернет тизимининг пастлиги ва тарифларнинг қимматлиги қийнапти. Бу муаммо айниқса, пандемия даврида яққол кўзга ташланди. Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалгач, барча таълим муассасаларидаги дарс жараёнлари интернет тармоғи орқали, онлайн тарзда ташкил этилди. Кейинги пайтда карантин талаблари юмшатилиб, аксарият талаба ва ўқувчилар анъанавий дарсларда иштирок этаётган бўлса-да, онлайн тарзда таълим олаётган ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бугунги кунда нафақат талаба-ёшлар учун, балки катталар учун ҳам интернет тизими юқори ва тарифларнинг арзон бўлиши муҳим.

Бу йил вилоятимизда биринчи қор ноябрь ойининг ўртасида ёғди. Қиш фасли эрта ва ҳар йилгидан-да совуқ келди. Бу айрим ташкил муассасаларининг куз-қиш мавсумига тўлиқ тайёр эмаслигини кўрсатиб қўйди. Буни сўров натижаларига қараб, яъни иштирокчиларнинг 26 фоизи таълим муассасаларидаги аудитория ва хоналарнинг совуқлиги учун ранжиганидан ҳам билса бўлади.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқийётган ёшларни қийнаб келаётган муаммолардан яна бири тураржой масаласи. Сўровда айнан шу жавобда тўхталганлар ҳам кам эмас. Улар қатнашчиларнинг 15 фоизини ташкил этган.

Сўров иштирокчиларининг 10 фоизи "Жамоат транспорти билан боғлиқ муаммолар" деган жавобни танлагани бу борада ҳам муаммолар талайгина эканлигидан далolat беради. Автобусларнинг вақтида қатнамаслиги, йўлқира ва қайтим масаласи, йўл ҳақини ўзбошимчилик билан белгилаб оладиган, ноқонуний хизмат кўрсатувчи таксилар ва халқни қийнаб келаётган шу каби муаммоларга ечим топиш кераклигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ачинарлиси, бу сўровда қатнашганларнинг энг кам, яъни бор-йўғи 8 фоизи "Муаммо йўқ" деган жавобда тўхталган. Бундан кўриниб турибдики, иштирокчиларнинг 92 фоизини қайсидир муаммо қийнапти. Бу нимадан далolat беради? Албатта, масъулларнинг масъулиятсизлигидан. Ўйлаймизки, мутасаддилар ёшларимизни қийнаб келаётган муаммоларни чуқурроқ ўрганиб, бартараф этиш чораларини кўради.

Саҳифани Тўлқин СИДДИҚОВ тайёрлади.



# Қишлоғингиз поликлиникасига ИШОНАСИЗМИ?

Иштихон туманидаги оилавий поликлиникага йўл оларканман, туман марказидан Шейхларга қатнайдингиз «Дамас»лардан бирига ўтирдим. Ҳамроҳларим асосан аёллар эди. Улардан қачон охириги марта тиббий кўриқдан ўтганини, ўзлари истискомат қиладиган ҳудудда оилавий поликлиника фаолияти ҳақида сўраб-суриштириб бордим.

Охириги марта дейсизми? Умуман, тиббий кўриққа қақришганини, патронаж ҳамшира келиб, ҳол сўраганини эслолмайман, - дейди 58 ёшлардаги аёл.

Яқинда қайнонам уч ой хаста бўлиб, кейин оламдан ўтдилар. Шу хаста онамниям тиббиёт муассасасидан биров суриштирмади, - дея ёзғирди яна бир аёл.


Умуман, бундай сўхбатлар биринчиси эмас. Афсуски, кўп ҳолларда у ёки бу тумандаги қишлоқ

врачлик пунктлари фаолияти ҳақида ёритишдан олдин аҳоли билан сўхбатлашганимизда кўп ҳолларда шундай фикрларни эшитамиз. Янаям қизиқ томони, аксарият ҳолларда эмлаш пайти бўлма-са қишлоқ врачлик пунктларига борганимизда ушбу муассасаларнинг ҳувиллаб ётганига гувоҳ бўламиз. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Тумандаги Нурли диёр маҳалласида жойлашган 6-сон оилавий поликлиникага борганимизда хоналар қарийб бўм-бўш эди.

## ЁШЛАР КЕЛСА ЖОЙИМНИ БЎШАТИБ БЕРАДИМ...

Айни пайтда барча ходимларимиз аҳолини антропометрия текширувдан ўтказиш ишларига жалб этилган, - дейди қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири Махбуба Толипова бу ҳолатга изоҳ бераркан. - 17 та бригада ташкил этилиб, поликлиникамизга қарашли 35 мингдан зиёд аҳоли кўриқдан ўтказилди. Ҳозирча аҳолининг 60 фоизини текширувдан ўтказдик.

Бу каби аниқ текширув, қолаверса, қандай маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қиладигани, жисмоний ҳаракатларга вақт сарфлаш ё сарфламаслиги билан боғлиқ маълумотларни ҳам умумлаштиришимиз аҳоли ҳақида тўлиқ маълумот беради. Мана энди, назаримда бир-



ламчи тиббиёт муассасалари ўз вазифасини бажараётганига ўхшайди. Асосий вазиғамиз соғлом турмуш тарзи тарғиботи бўлгани ҳолда илгари қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа, вазиғамизга тааллуқли бўлмаган ишларга жалб этилардик. Ҳозир тўғридан-тўғри, мақсад-

ли тарзда аҳоли ўртасида соғломлаштириш ишларини амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Аммо бу масалада афсус қиладиган жиҳатларимиз бор. Ёшлар қишлоқ врачлик поликлиникаларида иш бошлашни истамайди. Гарчи шунча имкониятлар берилган бўлса-да, ёш мутахассислар икки-уч ой ишлаб, кетиб қоляпти. Ҳозир поликлиникамиздаги 80 фоиз, яъни саккиз нафар шифокор пенсияда бўлса-да, ишлаяпти. Уларни ёмон ишлаяпти, деб айтолмайман, тажрибали шифокорлар. Аммо ёшларнинг шижоати ҳам зарур. Ёш кадрлар ишга келса, ўрнимни ҳам бўшатишга тайёрман.

## МЕВАЛАР БОЛАЛАРГАМАС, БОЗОРГА

Шу атрофдаги ўнта маҳалла, 37 қишлоқда истискомат қилувчи 35 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатувчи мазкур оилавий поликлиникада айни кунларда 10 нафар шифокор, 36 нафар патронаж ҳамшираси, 8 нафар ҳамшира фаолият кўрсатмоқда. Иммунолог хонаси мутахассис бўлмагани учун бўш. Ультратовуш текширув аппаратида ишлаш учун бир ходим тайёрланаётган экан.

Катталар орасида 340 нафар, болалар орасида эса 72 нафари ногирон сифатида ҳўжатларда қайд этилган. Аҳолининг 3341 нафари диспансер назоратида. Касалликлар орасида юрак хасталиклари, артериал гипертония, диабет, нафас йўллари, камқонли касалликлари кўп.

Ачинарли томони, бутун дунёда бўлгани каби кўп касалликлар ёшармоқда, - дея сўхбатни давом эттиради Махбуба Толипова. - Дейлик, диабет, юрак касалликлари билан илгарилари асосан ёши

катталар огирди. Бугун 30 ёшдан кейин бу касалликка чалинаётганлар кўпайган. Кейинги йилларда мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи тарғиботига эътибор кучайди. Аксар хасталиклар овқатланиш, жисмоний кам ҳаракатлилиқ ҳатто урф-одатларимиз билан боғлиқ. Мисол учун, аёлларимиз 50 ёшдан кейин, кўпинча келин туширигач, камҳаракат бўлиб қолади. Эраклар ҳам шу ёшдан ошиб, энди оёқ узатадиган давримиз келди, деб ўйлашади. Ваҳоланки, камҳаракатлилиқ юқорида номлари келтирилган касалликлар кўп тарқалишининг асосий сабабидир. Томорқасидан чиқаётган мева-сабзавот, сут маҳсулотлари истеъмолга жиддий эътибор қаратмайди. Уларни кўпроқ сотади. Тўғри, биринчи навбатда оиланинг иқтисодий жиҳатларини кўриш керак. Аммо мавжуд экинлар ҳосилидан оилада тановулани ҳам шакллантириб бориш дори-дармонга кетадиган ҳаражатни камайтиради.

## ИЛК НАТИЖАЛАР

Дарвоқе, оила аъзолари истеъмол қиладиган маҳсулотлар ҳақидаги илк натижаларга кўз югуртирарканман, баъзи маҳаллаларда 70 фоиз аҳоли сут маҳсулотларини истеъмол қилмаслиги белгиланган, баъзиларида 30 фоизи мева истеъмолга эътибор қаратмас экан. Ҳақиқатан ҳам мудира опанинг фикрига қўшилмай илож йўқ, бирламчи тиббиёт муассасалари ана энди ўзининг ҳаққоний вазиғасини бажаришга киришганга ўхшайди. Гарчи аввалги йиллардан кўра баъзи хасталиклар, ногиронлиқнинг камайиши ҳўкуматнинг эътибори туғайли, аммо аҳоли орасида турли хасталиклар камайган, дейиш ўринли эмас.

Ҳа, айтганча, қишлоқ врачлик пунктлари ёки оилавий поликлиникаларнинг ҳувиллаб ётганига ҳам

касалликларнинг камайиши эмас, юқорида таъкидланган, ушбу тиббиёт муассасадигаларнинг бошқа вазиғалар билан кўпроқ банд бўлгани сабаб бўлса ажабмас. Вилоят, туман миқёсидаги тиббиёт муассасалари навбат кўтиб турган беморлар билан тўла бир пайтда қишлоқ оилавий поликлиникаларининг ҳувиллаб туриши аҳолининг ишончсизлигидан бошқа нарса эмас. Бир врачга уч ярим минг аҳоли, бир патронаж ҳамширага минг аҳоли тўғри келаётган 6-сон қишлоқ оилавий поликлиникаси ходимлари ўз ҳудудидаги беморлардан хоҳабар бўлиши учун етарли имкониятга эга, назаримда.

Гулруҳ МҲИНОВА, «Зарафшон» муҳбири.

## Носоғлом турмуш тарзи оқибати

Яқинда бир хонадонда церебрал фалаж билан огриган олти ёшли бемор қизчани даволашмига тўғри келди. Шунда денг, ўз онасидан кўриқиб турган болакайларни кўриб юрагим огриди.

Она нуфузли бир ташкилотда бош ҳисобчи, камсўқумгина эр ёнлариди дўкнда қоровул. Ўзига тўқ оила экан. Тўғриси, аёлнинг совуққон, димоғдор чехраси, бадқоров киёфасидан ҳақидан юрагим зириллаб кетди. Бўлади бунақа аёллар ҳаётда, шунақанги туюлсада, барибир ҳам кўпларининг кўнгиллари бўш, юраклари очик, тоза. Бемор қизчани аввалгига махсус «массаж» қилиб, сўнг дори-дармонларини ичирдим. Ундан ташқари аёлнинг мактабда ўқийдиган яна иккита катта қизи бор экан. Оналари беҳос ишидан келганида улар нимагадир мушунки кўрган сичқончадек кўрққанларидан дағ-дағ титраб, питирлаб қолишди. Бу ҳол менга маъқул тушмади. Тиббиётда муттасил кўрқинч, ички хавотир ҳисси инсон

танаси ичидаги оғу ҳисобланади ва бош мия, юрак, жигар хасталикларига йўл очади. Айни шу ҳолнинг акс этаётганини иккала қизининг ҳам чехрасидан сездим. Чидай олмасдан онага мурожаат қилдим: - Нимага қизларингиз сиздан бунчалик кўрқшади-а, опа? - Ута совуққонман, дўхтир, ишим шунақа! Корхонамизда минг киши ишлайди, агар сал вазоҳатлорқ бўлмасам, маоши камлигидан нолиб келувчи ишчилар зумдаёқ талаб ташлашади. - Тушундим, аммо оилангизда-чи?! Ўз қизларингиз нега бунчалик ҳайкишади сиздан? Фарзанд ўз онасидан-а, нега? - Бу менинг ишхонамдаги ўзимни авайламай, аямай ҳадсиз, баджаҳл, кўрс тутишимнинг оқибати, дўхтир! Қалбимга сийғмай кетиб, ортиб қолган,

ярамас совуққонлигининг қолдиги, чиқиндилари. Шунинг ўзи ҳам етади эримни, қизларини зириллатиб юборишга!

- Ҳа, кўрдим буни. Эрингиз-чи?

- Агар эрим сал кескир, топармон-тутармон, ориятли бўлганида мен, рўзгоримиз шу аҳволга тушармидик?! Ота бўлмиш эса кўйдек юовш, биронта қизига қаттиқроқ гапирса, ўзи йилга юборади.

- Нега бундай а, опа? - Ўқимаган. Ақалла саккизинчи синфни битиргани ҳақидаги шаҳодатномаси йўқ. Хай, шунга минг киши ишлайди, агар сал вазоҳатлорқ бўлмасам, маоши камлигидан нолиб келувчи ишчилар зумдаёқ талаб ташлашади. - Тушундим, аммо оилангизда-чи?! Ўз қизларингиз нега бунчалик ҳайкишади сиздан? Фарзанд ўз онасидан-а, нега? - Бу менинг ишхонамдаги ўзимни авайламай, аямай ҳадсиз, баджаҳл, кўрс тутишимнинг оқибати, дўхтир! Қалбимга сийғмай кетиб, ортиб қолган,

Муродим УМРЗОҚОВ.

Коронавирус пандемияси сабабли 2020 йил дунё халқлари учун оғир, синовли йил бўлди. Давлатлар чегараларининг ёпилиши, иқтисодий қийинчиликлар ҳар бир мамлакатнинг асосан ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, вазиятни барқарор ушлаб туришини, биринчи навбатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни тақозо этди. Бундай пайтда одамлар кўнглига сайёр-у саёҳат сийғмади, истаганларида ҳам бунга имконият бўлмади. Табиийки, бу дунё туризм индустриясига салбий таъсир кўрсатди.



Самарқанд шаҳридаги Орзу Маҳмудов кўчасининг гастрономик туризм кўчасига айлангани ҳам бу йилги пандемия шароитида бажарилган лойиҳалардан. Бир километрга яқин масофадаги ушбу кўчада жойлашган 30 га яқин кафе ва рестороноларда ҳар бир киши дунёнинг турли мамлакатларида тайёрланадиган энг мазали, миллий таомлардан баҳраманд бўлиши мумкин. Йўл бўйлаб кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари ўрин олган.

# ТУРИЗМ УЧУН ОҒИР ЙИЛ

## ПАНДЕМИЯНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИДАН ЭНГ КўП ЗАРАР КўРГАН СОҲА

Яқинда етаётган йил барча соҳалар учун оғир бўлди, лекин бунинг таъсири бизга кўпроқ сезилди, - дейди Д.Нарзиқулов. - 2020 йил давомида Самарқандга 700 мингдан ортиқ хорижий ва 2,5 миллион маҳаллий сайёҳ келиши кутилган эди. Афсуски, бу рақамлар

ни, шу жумладан ахборот дастурлари ва хизматларини қисман субсидиялаш учун 208 миллион сўмлик 7 та лойиҳа ҳўжатлари топширилган. Бундан ташқари, ҳаражатлари, олдин олган кредитларини қоплаш учун 41 та тадбиркорлик субъекти томонидан 71 миллиард 514 миллион сўм миқдордаги кредитларни қисман субсидиялашга талаб мавжудлиги аниқланди.



рақамлигича қолди. Туристлар сони ва уларга кўрсатиладиган туристик хизматлар экспорти кескин камайди. Агар 2019 йилнинг тўққиз ойида вилоятимизга 281 минг 200 нафар хорижий, 1 миллион 281 минг нафар маҳаллий сайёҳ келган бўлса, бу йил чет элликлар 49 минг 500 нафарни, маҳаллий туристлар эса қарийб 474 минг нафарни ташкил этди.

Вилоятдаги 307 та жойлаштириш воситаларида 120 минг нафар хорижий сайёҳларга жойлар банд қилинган эди. Карантин чекловлари туғайли жойлаштириш воситалари 95 миллиард 300 миллион сўмлик тушумлардан маҳрум бўлди. Энг ёмони, туризм йўналишидаги 331 та корхона фаолияти тўхтатилиб, 4530 киши вақтинча ишсиз қолди.

Лекин мана шундай шароитда давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари, йирик ва кичик корхоналарга бир қатор имтиёз ва ангиликлар берилди. Бундан туризм соҳаси вакиллари ҳам бабахра қолмагандир...

Албатта, берилган имтиёз ва ангиликлар бизнинг соҳа вакиллари учун ҳам катта мадад бўлди. Жумладан, Президентимизнинг жорий йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан туристик хизмат кўрсатувчи корхона ва меҳмонхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар жорий йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилди, ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 28 майдаги фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 10 августдаги 433-сон қарорига асосан меҳмонхона ва туроператорлик ташкилотларига, гидлар, хўнарандлар, овқатланиш шохобчаларига 12 турдаги имтиёз, грант, субсидия ва ссудалар ажратилмоқда. Мисол учун, жойлаштириш воситаларига ҳар бир ётоқ ўрни учун базавий қиритилган ходимларнинг беш баравари миқдоридан ва туроператорлар учун 2019 йилдаги ўртача ойлик иш ҳақи фонднинг уч бараваридан ошмайдиган миқдорда бир марталик, 12 ой муддатга фақат ташкилотнинг бевосита штатлар жадвалига қиритилган ходимларнинг иш ҳақини тўлаш учун ссуда берилади. Бугунги кунга қадар вилоятимиздаги 200 та тадбиркорлик субъекти бу имтиёздан фойдаланиб, 5 миллиард 899 миллион сўм миқдорда ссуда олиш истагани билдириди. Ҳозирча 24 тадбиркорлик субъектига 1,3 миллиард, сўм миқдоридида ссуда ажратилди. Қолган 27 тадбиркорлик субъектининг мурожаоти белгиланган тартибда кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, туризм соҳасидаги «стартап» лойиҳалар ва инновацион бизнес юғлар-

Бугунги кунда вилоятимизда 750 дан ортиқ туризм тадбиркорлик субъектининг 50 фоиздан кўпроғи давлат томонидан берилган имтиёزلардан фойдаланди.

## КАРАНТИНДА ҲАМ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ИШГА ТУШДИ

Яқинда Самарқандда бир қатор янги туристик объектлар фойдаланишга топширилди. Демак, пандемия шароитида ҳам белгиланган лойиҳалар амалга оширилмоқда...

Ҳа, тадбиркорларимиз карантин пайтида ҳам бекор ўтирмади. Белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб борди. Натижада йилнинг ўтган даврида 43 та туристик лойиҳа ишга туширилди. Яъни, 754 ўринли 15 та меҳмонхона, 274 ўринли 28 та оилавий меҳмон уйлари фойдаланишга топширилди. 15 та туроператорлик фаолияти йўлга қўйилди, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 13 та замонавий микроавтобус харид қилинди. 3 та туристик объектга олиб борувчи йўлларда таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари олиб борилди. Сайёҳлар учун шаҳар ташқарисидан 22 та янги туристик маршрутлар ташкил этилди.

Самарқандда туризм соҳасида бажарилган энг муҳим ишлардан бири бу - Самарқанд туманидаги Қонигил маҳалласида юртимиздаги биринчи туризм қишлоғининг ташкил этилгани бўлди. Қишлоқда Сиеб ариғи бўйлаб 38 та янги туристик объект, хизмат кўрсатиш шохобчалари ва жойлаштириш воситалари ташкил этилди. Бу сайёҳларнинг вилоятда қолиш кунларини узайтириш билан бир қаторда, ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг қўшимча даромад олишини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга хизмат қиладди. Чунки лойиҳани амалга оширишга маҳалла аҳолисининг барча қатлами жалб қилинди. Улар ўз хонадонларида туристик хизматлар кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Эътиборлиси, бу - лойиҳанинг биринчи босқичи. Иккинчи босқичда Сиеб ва Оби Раҳмат ариғи бўйида яна 2 километр масофада шундай туристик маскан барпо этилади.

Шу тумандаги Янги жой маҳалла фуқаролар йиғинида кўплаб дам олиш масканлари ва дам олиш уйлари ташкил этилди. Жумладан, «Анисабону» масъулиятли чекланган жамяти томонидан 10 миллиард сўм маблағ сарфланиб, «Оқбўйра гарден» дам олиш маскани фаолиятини йўлга қўйилди. Хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун мўлжалланган масканда 20 та ёғи ва 20 та қишки дам олиш уйлари, кўнгилочар жойлар, умумий овқатланиш нуқталари фойдаланишга топширилди. От ва эшакларда тоққа сайр қилиш, квадрат-

ва Пушкин кўчалари ҳамда Университет хиёбонини туристик масканга айлантириш режалаштирилган. «Ипак йўли» туризм халқаро университетига туташ ҳудудда туризм таълим боғи лойиҳаси амалга оширилмоқда. Вилоятимиз ҳудудидан ўтувчи М-37 ва М-39 автомагистралига 8 та жойлаштириш воситалари (меҳмонхона, кемпинг ва бошқалар) ҳамда овқатланиш шохобчалари ишга туширилади. Бугунги кунда қурилиш ишлари олиб борилаётган ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 74,7 миллиард сўм бўлиб, 540 ўрин қувватга эга.

Самарқанд туризмнинг муҳим йўналиши ҳисобланган зиярат туризмни ривожлантириш бўйича ишларимиз келгуси йилда давом этади. Пайариқ тумани Имом Бухорий мажмуаси атрофида «ҳалол» стандартига жавоб берадиган умумий овқатланиш корхоналари, жойлаштириш воситалари ва савдо маркази ташкил этиш белгиланган. Бугунги кунда 3 ва 4 юлдузли «ҳалол» стандартларига жавоб берадиган 7 та меҳмонхона қурилиши давом этмоқда. Мазкур объектлар фойдаланишга топширилиши билан вилоятимизга келган сайёҳлар бевосита бир неча кун давомида зиярат қилишлари учун шароит яратилади.

Нуробод тумани Оқсой қишлоғида жойлашган Ҳазрати Довуд зияратгоҳига туташ ҳудудда «Оқсой ҲД» МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 5 миллион АҚШ доллари қийматидаги осма дор йўли ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, вилоятнинг тоғли ҳудудларида санаторий ва дам олиш зоналарини ташкил этиш бўйича ҳам амалий ишлар бошланган. Ҳозирги кунда 30 дан ортиқ дам олиш масканлари мавжуд бўлиб, уларда умумий кунлик қабул қилиш қуввати 4700 нафарга тенг.

2019 йил натижаларига кўра дунё бўйлаб 150 миллионга яқин сайёҳлар айнан зиярат туризми йўналиши бўйича ўз саёҳатларини амалга оширган. Вилоятдаги туроператорлар томонидан зиярат туризми бўйича ҳудудларимиз салоҳияти кенг тарғиб қилинаётганини, туризмнинг мазкур турини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар Самарқандни кейинги беш йил ичда «зиярат туризми бўйича дунёнинг энг яхши ўнта дестинацияларидан бири» бўлишига замин яратлади.

Бундан ташқари, вилоятимизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги пиёдалар йўлакларини таъмирлаш, шаҳар атрофи ва шаҳар ичида велойўлақлар ташкил қилиш, 30 та янги маданий мерос объектини туризм маршрутига киритиш каби вазифалар белгиланган.

Ғолиб ҲАСАНОВ сўхбатлашди.



## Самарқанднинг маънавий хазинасига сайр

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан журналист ва блогерлар учун ташкил этилган бу галли пресс-тур иштирокчиларнинг марказ ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирибгина қолмай, руҳий оламига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Имом Бухорий мажмуаси зиёратидан бошланган пресс-тур халқаро илмий тадқиқот марказидаги шарт-шароитлар, ундаги янгиликлар билан танишиш тарзида давом этди.

Марказда Имом Бухорий музей фонди ҳам мавжуд. Айтишлари-ча, Бухорий илм йўлида 14 минг километр йўлни туяда, от-уловда ва пиёда босиб ўтган. Музей фонди хонасида рамзий тарзда шу суратлар чизилган. Аллома яшаб ўтган даврда ишлатилган ашёлар, Қуръони Каримнинг ноёб нусхалари, дунё миқёсида хатотлик санъатининг намуналари, турли йилларда, турли давлатларда, турли тилларда чоп этилган Имом Бухорийнинг асарлари нусхалари музейдан ўрин эгаллаган.

Марказ дунёнинг 27 та етакчи ислом тадқиқот мар-

Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Миср, Саудия Арабистони, Туркия, Малайзия, Покистон, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистондаги илмий марказлар билан алоқалар йўлга қўйилди. Жумладан, Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Кембриж университети, «Ал-Фурқон» фонди, Британия кутубхонаси, Лондондаги Ислом маданияти маркази билан ҳамкорликда ишляймиз. «Ал-Фурқон» фондининг кўлэмаларга оид 117 та каталоги Ўзбекистонга олиб келинди.



асарларнинг электрон нусхалари келтирилди. Мисрдан 4 минг 997 та, Туркиядан 614 та, жами 5 минг 611 та китоб олиб келинди. Саудия Арабистони кўлэма фондларидан Имом Бухорий асарларининг 34 та электрон нусхаси келтирилган.

Дарвоқе, марказ кутубхонасида брайл ёзувидаги «Саҳиҳул Бухорий» китоби бор экан.

### ҲАДИС ИЛМИ МАКТАБИДА НЕГА САМАРҚАНДЛИК ТАЛАБА ЙЎҚ?

Иштирокчилар Ўзбекистон муслмонлари идораси тасарруфидаги Ҳадис илми мактаби фаолияти билан ҳам яқиндан танишиди. Замоनावий жиҳозланган синф хоналари, спорт заллари, ёпиқ сузиш ҳавзаси, хорижлик профессорларнинг дарс жараёнларини кузатди.

Талабалар 5 йил, кундузги таълимда, ҳадис илми, диний фанлар мутахассиси ва араб тили ўқитувчиси бўйича бакалавр даражасидаги мутахассисликка эга бўлади, - дейди Ҳадис илми мактаби ректори Олимхон Юсупов.

Улар ҳадис фанларида "Сихоҳи ситта", яъни ислом оламида эътироф этилган олти ишончли ҳадис тўпламларидаги ҳадисларни ёдлаб, шарҳлар ёрдамида ҳадисларнинг асл инсонпарварлик моҳиятини ўзлаштириб боришади.

Ҳадис илми мактабида ўқув жараёнларини ташкил этишда қадимги

Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон ва бошқа мадрасаларнинг ўқитиш аён-аналарини жорий қилиш билан бир қаторда нуфузли хорижий таълим муассасаларининг тажрибалари ўрганилган. Ишлаб чиқилган ўқув режа ва фан дастурлари дунёнинг етакчи таълим муассасаларининг нуфузли 20 нафар уламолари (Миср, Туркия, Буюк Британия, Покистон, Ҳиндистон)га тақдим қилинди ва уларнинг хулосалари олинди.

Мутасаддиларнинг айтишича, ушбу мактабга мамлакатимизнинг барча вилоятларидан, мадрасани тугатган ёшлар белгиланган имтихонлардан ўтгач, қабул қилинади. Талабгорларнинг қайси ҳудуддан эканлиги эмас, асосан билими ҳисобга олинади. Суриштириб кўрсам, улар орасида самарқандлик талабалар йўқ экан.

Мисрнинг Ал-Азхар университети профессори Маҳмуд Абдуллоҳ Абдурахмоннинг дарс жараёнларини кузатарканмиз, талабалар ва устоз ўртасидаги муносабат эътиборимизни тортди. Юксак савия, илмга талпиниш бу жараёнда яққол акс этганди.

Иштирокчилар пресс-турдан янги маълумотлар, таассуротлар билан чиқиб кетар экан, аллақандай руҳий хотиржамликка эга бўлганини бот-бот таъкидлашди.

Г.КОМИЛОВА, Б.МУСТАНОВ (фото).



казлари, университетлар билан ҳамкорликка оид меморандумлар имзолади, - дейди Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Шовосил Зиедов.

### «САҲИҲУЛ БУХОРИЙ»НИНГ БРАЙЛ ЁЗУВИДАГИСИ ҲАМ БОР

Марказга, шунингдек, Мисрдан 130 мингта ноёб кўлэма

## Энг сара фильмлар намойиш этилади

Самарқанд шаҳридаги "Шарқ юлдузи" кинотеатрида "Янги Ўзбекистон ва кинематография" ойлиги "101" бадиий фильми намойиши билан бошланди.

Президентимизнинг 2020 йил 20 ноябрь куни "Ўзбекфильм" киностудиясига ташири қанда киноижодкорлар билан учрашуви давомида кино санъатида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор топшириқлар берилган эди, - дейди "Республика кинопрокат маркази" вилоят филиали раҳбари Фармон Розиков.

Жумладан, шахар ва ту-

манларда "Янги Ўзбекистон ва кинематография" ойлигини ўтказиш белгиланган. Мазкур ойлик доирасида кинопрокатимиздаги 10 дан ортиқ тарихий, ватанпарварлик, халқимизга хос мардлик ва жасорат, меҳр-оқибат, муҳаббат ҳақида ҳикоя қилувчи фильмларимиз мактабларда, маданият марказларида намойиш этилади. Нуфузли "Оскар"

мукофотига тавсия этилган, режиссёр Ёлқин Тўйчиевнинг "Фариданинг икки минг кўшиги" фильми ҳам кинотеатримизда муҳлисларга ҳавола этилади.

Ойлик доирасида Самарқанд замида камол топган буюк шахслар ҳақида вилоятимиз ижодкорлари томонидан бадиий, ҳужжатли, қисқа метражли ҳамда "Ўзбекино" миллий агентлиги билан ҳамкорликда тарихий фильмлар олиниши режалаштирилган. Ҳиндистон билан ҳамкорликда яратилган "Бобурийлар сулоласи" кинофильми лавҳалари Самарқандда суратга олинади.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

26 декабрь

**Ваҳоб РАҲИМОВ** – (1934-2014) Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.

28 декабрь

**Дони ЗОКИРОВ** – (1914-1985) Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

29 декабрь

**Иброҳим НУРМОҢОВ** – 1936 йилда туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

31 декабрь

**Акбар ОТАХЎЖАЕВ** – (1926-1994) Туркистон шаҳрида туғилган. Физик олим. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

## Самарқанд давлат чет тиллар институти профессор-ўқитувчилар лавозимларига битим асосида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Инглиз тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири – 1 нафар (фан номзоди, доцент ёки фан доктори, профессор);

2. Гуманитар фанлар ахборот технологиялари кафедраси мудири – 1 нафар (фан номзоди, доцент ёки фан доктори, профессор).

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ректор номига ариза;  
- маълумоти тўғрисидаги дипломлардан нусха;  
- илмий ишлари рўйхати (3.4 шакл тасдиқланган ҳолда);  
- паспорт нусхаси;  
- сўровнома;  
- 2 дона 3x4 см. ўлчамдаги фотосурат;  
- маълумотнома (объективка).

Ҳужжатлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Самарқанд давлат чет тиллар институти, кадрлар бўлими.  
Телефон: 66-238-29-33.

### ТАНЛОВДА ҚАТНАШИҒИ!

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: МЧ "Мароқанд агрохотхосервис" агрофирмаси худудидан жами 15 га. (шундан: 15 га. (айлов) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2021 йил 10 январга қадар қабул қилинади.

Манзилимиз: Самарқанд тумани Гулбод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.

\*\*\*

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Оқдарё туман давлат хизматлари марказидан 2019 йил 17 сентябрда 761466 реестр рақами билан рўйхатга олинган «OQDARYO TADBIRKOR VA QURUVCHI» унитар корхонаси (қисқартirilган номи: «OQDARYO TADBIRKOR VA QURUVCHI» УК) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетада эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 91-«А» уй.

\*\*\*

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус

Тошмеиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Норбеков Қиличга (2010 йил 21 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тошмеиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Нарзиев Сатторга (2020 йил 10 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.

\*\*\*

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ургут туман қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежидан 2002 йилда Қаримова Тозагул Халиловна номига берилган № 007284 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Ургут туман қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежидан 2015 йилда Шадиева Макнуна Рафиқ кизи номига берилган рўйхат рақами 625, К № 3827483 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Паст Дарғом туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Абдуллаева Гулжаҳон Зухридан қизи номига берилган УМ № 0152523 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Пайариқ тумани Челақ транспорт касб-хунар коллежидан 2019 йилда Шавкатов Бекзод Қахрамон ўғли номига берилган рўйхат рақами 5044,

Одил (исм, фамилиялар шартли) узок қариндоши Содиқ акага маслаҳатли гап айтиди:

- Россияда ишлаб юрган пайтларим жўнатган 10 минг АҚШ долларимни хотиним ва қайнонам ишлатиб юборган. Хотиним билан ажрашганим, улардан пулларимни ундириб олмаганим, бирор таниш адвокатингиз бўлса...

Содиқ аканинг хаёлига биринчи келгани кўниси Абдурахим бўлди.

- Бор, албатта, - деди у жонланиб, - сени бир киши билан таништириб қўяман.

Июнь ойининг бошларида Одил адвокатдан турмуш ўртоғидан ажрашиш, мол-мулкни бўлишиш ва боласини кўришга ариза ёзишда ёрдам беришини сўради. Аммо бу ишлар билан шугулланишга ўзининг вақти йўқлиги сабаб унга синглиси Дилноза учрашишини айтиди. Дилнозага "Бу учта йўналиш бўйича ариза ёзишда ёрдамлашиш 200 АҚШ доллари бўлади", деди адвокат. 13 июнь кунни Жомбой тумани "Шайман" деҳқон бозори автотураргоҳи олдида Дилноза унга акасининг паспорти ва пулларни олиб келганини айтиди.

## Собиқ адвокат яна

## ЖИНОЯТ ЙЎЛИНИ

### Танлади

Ўзини адвокат деб таништирган Абдурахим Одил билан гаплашгач, хотини билан ажрашишда ҳам, пулларини қайтариб олишда ҳам ёрдам беришини айтиб, бу ишни унинг фойдасига ҳал қилиш учун кетадиган харажатларни тезда ҳисоб-китоб қилиб берди:

- Хизмат ҳақиқага 100 доллар, давлат божи учун 446 минг сўм, почта харажатлари 16 минг сўм, ФХДдан болангизнинг гувоҳномасини олишга 56 минг сўм керак бўлади.

Одил айтилган тўловларни қилди. 100 АҚШ доллари ва 300 минг сўм пулни олдиндан хизмат ҳақи учун Абдурахимга берди.

Орадан бироз вақт ўтди, аммо "адвокат"нинг иш бўйича бирор ҳаракати сезилмади. 2020 йилнинг бошларида фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судида О.Абдуғаниевнинг иши кўрилиб, унинг аризаси суд томонидан рад этилди. Судда у кутган натижа чиқмагач, адвокатидан нега бундай бўлганини сўради.

- Энди ишни апелляция, кассация ва бошқа йўллар орқали ҳал қиламиз, - деди Абдурахим бепарво. Бу гап билан миждозини ҳовуридан туширди.

- Майли беринг, ишни сизларнинг фойдангизга ҳал қилишни бошлаймиз, - деди-да, пул ва паспортни олиб, машинаси томон юрди...

Абдурахимнинг суд ишига ҳеч қандай таъсир ўтказмаётгани, ҳатто бу иш билан умуман шугулланмагани Одил ва унинг синглисида шубҳа уйғотаётган эди. Айниқса, сўнгги марта учрашганида тап тортмай турли вазлар билан улاردан пул талаб қилиши сабр косасини тўлдирди. Оқибатда бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

2 миллион сўм пулни олиб машинасига ўтираётган собиқ адвокат қўлга олинди.

Абдурахимни адашган деган оддий баҳона билан оқлаб бўлмади. У аввал ҳам жиноятга қўл урган, тайинланган жазони ўтаб бўлмаган ҳам эди. Афсуски, бундан тўғри хулоса қилмаган А.Пардаев яна фирибгарлик йўлига кирди ва унинг жиноятига қонун доирасида жазо тайинланди.

Зафар ҚОБИЛОВ, жиноят ишлари бўйича Жомбой тумани суди девонхонаси мудири.

## Телефон эгасига қайтарилди

Кўшработ тумани Соҳибкор маҳалласида яшовчи И.Атақулов шу йил 29 октябрь куни вилоят ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармасига мурожаат қилиб, Самарқанд темир йўл вокзалининг қўлиш залида қўл телефонини йўқотиб қўйганлигини, уни топишда амалий ёрдам беришимизни сўради.

Унинг аризасига асосан бошқармаимиз ходимлари вокзалда тезкор тадбир олиб борди. Шу куни кеч соат 03:20 ларда "Урганч-Тошкент" йўналишидаги поездда Самарқанд темир йўл вокзалига келган фуқаро Д.Саъдуллаев гумонланувчи сифатида ушланди. Унинг юклари ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда И.Атақуловга тегишли бўлган "RedMi-6" русумли қўл телефон аппарати борлиги аниқланди. Д.Саъдуллаевдан бу ҳолат ҳақида сўралганда у вокзалнинг қўлиш залида телефон аппаратини қувватлаш мосламасида турган пайтда олганини билдирди.

Шунингдек, 22 декабрь куни соат 14:40 ларда навбатчилик қисмимизга патруль-пост хизмати ходими М.Алдашев телефон қилиб, "Нурбулоқ-Каттақўрғон" темир йўли бекати ораллиғида номаълум шахслар рангли темир парчаларини олиб кетаётгани ҳақида хабар қилди.

Ушбу хабарга асосан олиб борилган тезкор суриштирув ишлари натижасида Х.исмли фуқаро ўзига тегишли бўлган "Labo" русумли автомашинасига рангли металл парчаларини орттиб кетмоқчи бўлган вақтида ушланди.

Ушбу ҳолатлар бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, чора кўриш учун суд идораларига тақдим этилди.

А.АБДУАЛИМОВ, М.МАВЛОНОВ, вилоят ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси жиноят-қидирув бўлими тезкор вакиллари.

К № 5557735 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд шаҳридаги "DEVYASIL SHIFO NUR" хусусий корхонасига (СТИР: 305160906) тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан рўйхатга олинган, завод рақами 30922 бўлган «Орион-100Ф» русумли назорат касса машинасининг паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Паст Дарғом туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Сунатуллоева Райхона Равшан қизи номига берилган ТМ № 0704214 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Оқдарё туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Қаршиева Фотима Шухрат қизи номига берилган УМ № 0151157 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ИИБ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ

вилоятимиз аҳлини

# Янги йил билан табриклайди.



Фурсатдан фойдаланиб байрамни кўтаринки руҳда, талофатларсиз ўтказиш мақсадида барча йўл ҳаракати иштирокчиларини огоҳликка чорлаймиз. Хушёр бўлинг, ўзингиз ва ўзгалар ҳаётини хавфга қўйманг, азиз юртдошлар!

## HUDUDGAZ SAMARQAND GAZ TA'MINOTI FILIALI

# вилоятимиз аҳолисини кириб келаётган 2021 йил

билан самимий муборакбод этади.



ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА  
СОҒЛИҚ, ОИЛАВИЙ БАХТ,  
ҚУВОНЧ ОЛИБ КЕЛСИН!

## «SAMARQAND XALQARO AEROPORTI»

масъулияти чекланган  
жамияти жамоаси



# 2021

вилоятимиз аҳлини  
яқинлашиб келаётган  
янги йил билан самимий  
табриклайди.



Барча юртдошларимизни  
янгиланаётган Ўзбекистоннинг  
ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлидаги  
ишларида муваффақият тилаймиз!



# "САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ"

масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси жамоаси

ЯНГИ ЙИЛ  
ЧЕКСИЗ ИМКОНИАТЛАР,  
БАРҚАРОРЛИК ВА  
ФАРОВОНЛИК ЙИЛИ  
БЎЛСИН!

барча юртдошларимизни

# 2021

ЙЎЛИНГИЗ ОҚ,  
САФАРИНГИЗ  
БЕХАТАР БЎЛСИН,  
АЗИЗ  
ВАТАНДОШЛАР!

йил билан самимий  
табриклайди.



SAMARGAND AVTOMOBIL ZAVODI

Махсулотлар сертификатланган.

Акциядорлик тижорат

# ХалқБанки

Самарқанд вилоят филиали

вилоятимиз аҳли  
мижозлари ва  
ҳамкасбларини

# ЯНГИ ЙИЛ

билан қутлайди.



Хизматлар  
лицензияланган.



# AGROBANK

акциядорлик тижорат банки Самарқанд  
вилоят ҳудудий филиали

юртдошларимизни ва барча  
мижозларини кириб келаётган

Банкимиз байрам  
арафасида  
сизларга қуйдаги  
**ОМОНАТ**  
турларини таклиф этади:

# 2021

ЙИЛ

билан муборакбод этади.

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**

"Фаровон" мuddатли омонати. Омонатнинг энг кам миқдори 1 000 000 сўм, маблағлар

3, 6, 9, 13, 18 ва 25 ой мuddатларга қабул қилиниб, йиллик 17 фоиз даромад келтиради.

"Мезон" жамғарма омонати. Омонатнинг энг кам миқдори 1 000 000 сўм, маблағлар

3, 6, 9 ва 13 ой мuddатларга қабул қилиниб, йиллик 17 фоиз даромад келтиради.

"Олдинда фоиз" мuddатли омонати. Омонатнинг энг кам миқдори 1 000 000 сўм,

маблағлар 12 ой мuddатга қабул қилиниб, йиллик 17 фоиз даромад келтиради.

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда олдиндан мижознинг пластик картасига ўтказиб

берилади.

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА (АҚШ долларида):**

"Капитал" мuddатли омонати. Омонатнинг энг кам миқдори 100 АҚШ доллари,

маблағлар 3 ойга 3,5 фоиз, 6 ойга 4 фоиз, 9 ойга 4,5 фоиз ва 13 ойга 5 фоиз

даромад келтиради.

"Экспресс" жамғарма омонати. Омонатнинг энг кам миқдори 100 АҚШ доллари,

маблағлар 3 ойга 3 фоиз, 9 ойга 3,5 фоиз, 13 ойга 4 фоиз ва 18 ойга 4,5 фоиз

даромад келтиради.

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ  
ЕСТНИК

© МУАССИСЛАР:  
халқ  
депутатлари  
Самарқанд  
вилоят Кенгаши  
ва вилоят  
ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда  
09-01 рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр 100. Индекс 438.  
9 651 нусхада чоп этилди. Буюртма 802

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва  
шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.  
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.  
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй,  
Матбуот уйи.

Газета "Зарифшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.  
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир:  
А.ҲАЙДАРОВ.

Навбатчи:  
Е.МАРҚАЕВ.

Саҳифаловчи:  
Б.АБДУЛЛАЕВ.

Соғува нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X



9 772010 1667009